

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАНОВЕВ САИД БАҲРОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТ БИНОЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИДА
АНСАМБЛЬ ВА КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**18.00.02– Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.
Бино ва иншоотлар архитектураси.**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on architecture**

Маноев Саид Бахронович

Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва
комплексларнинг шаклланиши3

Маноев Саид Бахронович

Формирование ансамблей и комплексов в архитектуре
общественных зданий Узбекистана18

Manoev Said Bakhronovich

Formation of architectural ensembles and complexes
in architecture of public buildings of Uzbekistan34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works38

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАНОВЕВ САИД БАҲРОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТ БИНОЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИДА
АНСАМБЛЬ ВА КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**18.00.02– Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.
Бино ва иншоотлар архитектураси.**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/A1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг <http://www.taqi.uz/ikengash.php> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аҳмедов Муҳаммад Қосимович**
архитектура доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ҳидоят Тимур Аббарович**
архитектура доктори, профессор

Умаров Азиз Мирфозилович
архитектура номзоди

Етакчи ташкилот: «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй. Бош ўқув биноси, Кичик мажлислар зали. Тел.: (99871) 241-10-84, факс: (99871) 241-13-90. Web: www.tasi.uzsci.net, e-mail: taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13.тел.: +99871 241-10-84).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2017 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. С. Уралов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, арх.д., профессор

Т. Ш. Маматмусаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, арх.н.

Т.А. Хидоят,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, арх.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг илғор мамлакатларида барқарор шаҳарсозлик деб номланган ижтимоий характерга асосланган, экологик устуворликка қаратилган, иқтисодий самарадор йўналиш фаол ривожланмоқда. Унинг бош мақсади рационал шаҳарсозлик ва ақлли (smart) архитектурани барқарорлаштиришга қаратилган. Жаҳон шаҳарсозлигида шунга асосланган ғоялар асосида анъаналарни тадқиқ этиш ва уларнинг узвий давоми сифатида биноларни ансамбль ва комплекс тарзида қуриш мисоллари тобора ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда шаҳарсозликнинг самарали йўналишларини аниқлаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Қўқон ва бошқа тарихий шаҳарлар марказларидаги ансамбллар силсиласи таъмирланди ва қайта тикланди. Мана шу анъаналар асосида сўнги йилларда Тошкентнинг Мустақиллик майдонида, Навоий кўчасида, Амир Темур хиёбонида, Урганчнинг Шовот канали ёқасида, Андижон, Наманган, Фарғона, Термиз ва бошқа шаҳарлар марказларида қатор янги меъморий ансамбль ва комплекслар бунёд этилди. Барча вилоят марказларидаги (одатда аэропортдан темир йўл вокзалигача) бош кўчалар икки томонлама ягона ансамбль ва комплекс тарзида янгидан қурилди. Бугунги кунда архитектура ва қурилиш соҳасини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида шаҳарсозлик ва меъморчилик, архитектура-қурилиш таълими ва илмини янада такомиллаштириш, сўнги йиллардаги қурилиш индустрияси, архитектура ва қурилиш комплексини инновацион ривожлантириш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек: “Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади”¹.

Жаҳон миқёсида ансамбль ва комплексларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда самарали усулларда ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда ансамбль ва комплексларнинг визуал таъсирчанлигини ошириш, ўзаро шаклан ва бадий-эстетик уйғунлашувини таъминлаш ҳамда биноларни комплекс тарзда барпо этиш йўли орқали уларни функционал жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлаш ва иқтисодий самарадорликка эришиш, аҳолининг нафақат моддий, балки маънавий талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ансамбль ва комплексларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги ПФ-2595-сон «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини

¹ Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16 январь 2017 й. –Б. 1.

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда мамлакат Президентининг шаҳарсозлик ва меъморчиликка оид фармонлари, қарорлари ва кўрсатмалари асосида шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг илмий асосланган бош режа лойиҳалари ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Уларда меъморий ансамбль ва комплексларнинг яхлит тарзда қурилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Меъморий ансамблларнинг келиб чиқиши ва типологик хусусиятлари тўғрисидаги муҳим масалалар Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, И.И. Ноткин, В.Л. Воронина, А.В. Иконниковларнинг комплекс тадқиқот-ларида ўз аксини топган². И.Е. Плетнев, Ю.З. Шваб, Н.Б. Немцева, М.Қ.Аҳмедов ва К.Ж. Рахимовлар бевосита меъморий ансамблларга бағишланган номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган³.

Калифорния университетининг профессори Klaus Herdeg ўз тадқиқотида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари марказий ансамблларининг фазовий шаклланиш хусусиятларини очиқ берган⁴. Хорижлик олимлар К. Lynch, J. Jacobs, С. Alexander, С. Rowe, F. Coetter, R.Crier, Y.Ashihara, W. Attoe ва D. Logan томонидан шаҳарларнинг бадиий қиёфаларини такомиллаштириш, шаҳарлар тизимида ансамбль ва комплексларни шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган⁵. Меъморий ансамбль ва комплекслар шаклланишининг баъзи масалалари Ш.Ж. Асқаров, Т.Ф. Қодирова, П.Ш.Зоҳидов, К.С. Крюков, Л.Ю. Маньковская, Д.А. Нозилов, В.А. Нильсен, О.М. Салимов, А.М. Прибыткова,

² Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. XV век. – Тошкент: Изд. литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1976.; Воронина В.Л. Ансамбли Среднеазиатских городов// Архитектурное наследие. – М.:1976. - № 24; Иконников А.В. Архитектурный ансамбль. Новое в жизни, науке, технике// Строительство и архитектура. –М.,1979. - № 3.

³ Плетнев И.Е. Проблемы исследования и опыт реставрации архитектурного комплекса «Гур-Эмир». Автореф. дис.... канд. арх. – Л.:1969.; Немцева Н. Б., Шваб Ю.З. Ансамбль Шахи Зинда. – Ташкент: Изд. лит и искусства им. Г. Гуляма, 1979.; Ахмедов М.Қ. Ўзбекистон ўрта асрлар меъморий ансамбллари тараққиётининг тарихий-назарий асослари. Меъморчилик док. дис. – Тошкент: ТАҚИ, 1996.; Рахимов К.Д. Квартальные общественные центры исторических городов Узбекистана. Дисс. ... канд. арх. – М.:МАРХИ, 1989.

⁴ Herdeg K. Formal structure in Islamic architecture of Iran and Turkistan. – New-York: “Rizzoli/The Aga Khan trust for culture”, 1990.

⁵ Lynch K. The Image of the City. – New-York: The MIT Press, 1985; Jacobs J. The Death and Life of Great American Cities. – New-York: Random House,1961; Rowe C. and Koetter F. Collage City., Massachusetts: The MIT Press,1978; Krier R. Urban Space. - New York: Rizzoli International,1979; Ashihara Y. The Aesthetic Townspace. – New-York: The M.I.T Press, 1979, Attoe W. and Logan D. American Urban Architecture: Catalysts in the Design of Cities. – New-York: University of California Press, 1989.

А.С. Уралов, М.А. Юсупова, Т.А.Хидоятов⁶ ва бошқа муаллифлар томонидан тадқиқ қилинган. Аммо жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиш йўллари, уларнинг хусусиятлари ва тамойиллари замонавий илм-фан нуқтаи назаридан етарли ўрганилмаган. Шу билан бирга шу кунга қадар жамоат бинолари меъморлигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши мавзусига бағишланган алоҳида комплекс тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Анъанавий иморатсозликнинг рақобатбардош меъморий конструктив усулларини тадқиқ этиш ва уларнинг меъёрий маълумотлар банкини яратиш» (2007-2011) ва «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шаҳарсозлигини янада ривожлантиришга қаратилган меъморий ансамбль ва комплексларни шакллантириш мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анъанавий шаҳарсозликда қўлланилган меъморий ансамбль ва комплексларни тадқиқ қилиб, уларни замонавий меъморчиликда қўллаш йўллари аниқлаш ва такомиллаштириш;

истиклол йилларида меъморий мажмуалар тузиш амалиётини тадқиқ этиб, уларни ривожлантириш моҳиятини очиб бериш;

миллий меъморчиликда ансамбль ва комплекслар тузиш усулларини таҳлил қилиш;

шаҳарсозликда ансамбль ва комплексларни такомиллаштириш технологиясини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий ва замонавий шаҳарлардаги 54 та меъморий ансамбль ва комплекслар танлаб олинган⁷.

Тадқиқотнинг предмети шаҳарсозликдаги тарихий ва замонавий меъморий ансамбль ва комплексларнинг шаклланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ташкил этади.

⁶Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Ташкент: Издательство журнала «Санъат», 2014.; Кодирова Т. Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начала XXI вв. – Ташкент: Издательство ТАСИ, 2007.; Зоҳидов П.Ш. Ансамбль Ляби–Хауз. – Ташкент: «Ўзбекистон», 1977.; Крюков К.С. Регистан. – Ташкент: «Ўзбекистон», 1975.; Маньковская Л. Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии. – Ташкент: «Фан», 1980.; Нозилов Д.А. Народное зодчество Узбекистана (XIX-XX вв.) // Мозийдан садо. – Ташкент, 2015. - № 2.; Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана. – Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1988.; Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 2009.; Прибыткова А.М. О композиционных приёмах архитектурных ансамблей Средней Азии// Архитектурное наследие. – М., 1976. –№ 24. Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. (конец XIX начало XX вв.) – Ташкент: «Print-s». – 2005.; Уралов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. – Самарқанд: СамДАҚИ. – 2003.

⁷Ўзбекистон Республикасида маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳудудларидан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар. – Ташкент: «АҚАТМ», 2009 – Б. 7.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, қиёсий, архив материаллари ва меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, кузатув, тажриба-синов, сўровнома, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ўрта асрлар анъанавий меъморчилигининг шаҳарлар эстетикасида ансамбль ва комплексларнинг анфиладали, тармоқланган анфилада ҳамда компакт стержен тамойили асосида шаклланганлиги асослаб берилган;

ўрта асрлар анъанавий шаҳарсозлигига хос бўлган шаҳар бош маркази, иккиламчи марказ, маҳалла марказларидаги меъморий ансамблларнинг ўзаро боғланиши аниқланган;

шаҳар панорамасини шакллантиришда оммавий турар жойларни вертикал акцентлар билан чамбарчас боғлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

замонавий меъморчиликда анъанавий ансамблсозлик усулларини модернизациялаб, майдон ва ансамбль тузишнинг экспериментал лойиҳалари ишлаб чиқилган;

мустақиллик даври меъморчилигида ўзига хос ансамбль ва комплекс тузиш усуллари вужудга келганлиги аниқланган ва уларни кенг қўллаш механизми яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анъанавий шаҳарсозликда шаҳар структураси меъморий ансамбль ва комплексларнинг ўзаро уйғунлашиш асосида шаклланиши исботланган;

замонавий шаҳарлар структурасида меъморий мажмуалар ва яшил зоналарни узвий боғланган тарзда шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг экспериментал лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилганлиги билан жорий этилган натижаларнинг соҳага тегишли республикадаги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, натижаларнинг хорижий ва республика лойиҳалаш ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга шаҳарларни қайта тиклаш лойиҳа таклифларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятида, шаҳарларни реконструкция қилиш бош режаларини ишлаб чиқишда, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантиришга ҳамда олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мустақиллик даври меъморий ансамбль ва комплексларининг хусусиятларини ёритишда Ф.1-86 «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Меъморий мажмуалар» қисмини тайёрлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 19 январдаги ФТК 0313/65–сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мустақиллик даврида ансамбль ва комплекслар шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш имконини берган;

экспериментал лойиҳаларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчасида янги меъморий мажмуа ҳамда Бўстонсарой ва Амир Темур кўчаларининг кесишмасида жойлашган тураржой комплекси, Мирзо Улуғбек кўчасида қурилган офис ва маиший хизмат кўрсатиш биноларидан иборат ансамбль ва комплексларни шакллантиришда фойдаланилган (Самарқанд шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2016 йил 7 ноябрдаги далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Самарқанд шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Бўстонсарой кўчаларининг бадиий-эстетик хусусиятларини бир неча карра оширишга ҳисса қўшган;

шаҳар ташқарисидаги мажмуаларни қайта тиклаш бўйича тавсиялар Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган «Тарихий шаҳарлар ташқарисида жойлашган меъморий ансамбллар ва мажмуалар ҳудудларини замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида шакллантириш» номли магистрлик ишида қўлланилган (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 2017 йил 23 январдаги далолатномаси). Мазкур тавсиялар Бухоро вилоятида жойлашган шаҳардан ташқаридаги ансамблларни қайта тиклаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш тамойилларини амалий лойиҳаларда қўллаш имконини яратган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анъанавий шаҳарсозликда жамоат биноларининг шаклланиш йўллари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон

тарихий шаҳарларининг шаклланиш йўллари, Мовароуннаҳр шаҳарсозлигида биноларнинг гуруҳ тарзида шаклланиш босқичлари ҳамда Ўзбекистонда жамоат бинолари меъморчилигининг XIX-XX асрлардаги тараққиёт йўллари таҳлил қилинган.

Маълумки, Ўзбекистон тарихи узоқ ўтмиш даврларга бориб тақалади. Унда Хоразм, Сўғд, Бактрия, Паркана ва бошқа ҳудудлар мавжуд бўлган. Қулдорлик даврида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг маркази қишлоқлар эмас, балки шаҳарлар бўлиб қолади. Юксак шаҳарсозлик санъатининг ривожланиши натижасида шаҳарларда ҳимоя деворлари, кўча ва майдонлар, сарой, диний ва жамоат бинолари шаклланади. Мовароуннаҳр ҳудудидаги анъанавий жамоат бинолари меъморчилиги узоқ даврлар мобайнида шаклланиб келган. Бунга мисол тариқасида милоддан аввалги I минг йилликда мавжуд бўлган жамоа марказлари ва ибодатхоналарни кўрсатиб ўтиш мумкин. Илк антик даврда (мил.авв. VI-IVасрлар) Ўрта Осиё шаҳарлари структурасидаги махсус майдонларда диний биноларнинг ажратиб қурилиши, ўрта антик даврда (мил. авв. IV-IIIасрлар) диний ҳамда маъмурий бинолардан иборат шаҳар марказининг пайдо бўлиши, сўнгги антик даврда (мил.авв. I – мил. IV асрлар) диний, маъмурий, савдо ва бошқа бинолардан ташкил топган кўпфункционали жамоат марказларининг ансамбллари шаклланган. Милоддан аввалги I ва милодий I асрларнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудидаги кўпчилик тарихий шаҳарлар аниқ тўртбурчак шаклдаги ҳимоя деворлари, тўғри кўчалар ва аниқ кварталларга бўлинган. Жамоат марказлари шаклланиб, ҳукмдор саройлари ва диний бинолар алоҳида бўрттирилган.

Феодал муносабатлар даврида турли бино ва иншоотлар – тураржой, жамоат, диний ва мудофаа иншоотларининг сони анча кўпайган. Қурилишдаги юксалиш янги техник ва конструктив ечимлар топиш имкониятларини яратган. Қулдорлик даври қурилиш маданиятини бирмунча сақлаб қолган бўлсада, олдинги жамиятга нисбатан анча прогрессив бўлган феодал жамият ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан, маданият, архитектура ва санъатнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб берган.

Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва Ислом динининг қабул қилиниши янги жамоат биноларининг келиб чиқиши учун асосий роль ўйнаган. VIII аср ўрталарига келиб, араблар Ўрта Осиёнинг кўп қисмини халифаликка қўшиб оладилар. Халифаликнинг кейинги мақсади қўлга киритилган давлатлар чегараларини йўқотиб, уларнинг бир-бири ҳамда халифаликдаги халқлар билан савдо, маданий, хўжалик алоқаларини ўрнатиш эди. Яна бир асосий мақсад босиб олинган ҳудудлар халқларини исломийлаштириш эди. Бу эса Ўрта Осиё маданияти, турмуш тарзи, жумладан меъморчилигида кескин бурилишга сабаб бўлди.

IX асрнинг охирида маданият ва архитектуравий ижодда янги юксалиш рўй берди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг асосий ҳудудлари Сомонийлар давлатига бирлашди. Ўрта Осиёда йирик шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Марв, Тошкент ва бошқа шаҳарлар ривожланиб, одамлар тарқ этган жойларда ҳаёт ўз йўлига туша бошлади. Шаҳарлар савдо-сотик ривожланган

йирик ҳунармандчилик марказларига айланади. Янги турдаги бинолар-масжид, мадраса, хонақоҳ, карвонсарой ва мақбаралар қурилади. Шаҳар структурасининг ўзгариши, янги қурилиш материаллари ва гумбазли конструкцияларнинг ривожланиши, янги қабул қилинган дин – ислом идеологиясига бўйсунувчи янги турдаги бинолар ва уларнинг янгича оройиши янги архитектуравий композиция ва қоидаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Аммо илк феодаллик даврида пайдо бўлган қурилиш тажрибалари бутунлай йўқолиб кетмади. X – XIII асрлар архитектурасида V–VIII асрларда вужудга келган архитектура анъаналари давом этди.

Темурийлар даври жамоат бинолари меъморчилиги салтанатнинг қудратини кўрсатиб, ўзининг маҳобатлилиги, архитектуроники ва безакларнинг кўркамлиги билан ажралиб туради. Амир Темури хукмронлиги даврида меъморчилик ва шаҳарсозлик янада ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Амир Темури ва темурийлар даври маданияти жаҳон маданий тараққиётининг катта бир даврини ташкил этган. XV аср бошларида Мовароуннаҳрга ташриф буюрган Испания элчиси Руи Гонзалес Де Клавихо даврдан бошлаб ўрганилиб келинаётган бу маданият ўзининг сарчашмаларида хориждаги изланувчиларга етарли даражада аён бўлмаган томонларини сақлаб келмоқда.

Мустақиллик йилларигача темурийлар даври меъморчилиги деганда Ўрта Осиё республикаларининг XVI асргача бўлган меъморчилиги тушуниларди холос. Ваҳоланки, Амир Темури яратган давлат ҳозирги Афғонистон, Эрон, Озарбайжон ва Кавказ ерларининг катта қисмини ўз ичига олган эди. Бундан ташқари Туркия, Ироқ, Сурия ва қатор араб давлатлари унинг сиёсий таъсири остида эди. Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласи даври меъморчилиги ҳам шунинг бевосита бир қисмини ташкил этарди.

XVI асрнинг биринчи ярмида, Шайбонийлар сулоласи хукмронлиги вақтида ҳам темурийлар меъморчилигининг ҳашаматлилиги ва муҳташамлиги анъаналарини эслатадиган монументал бинолар ансамбль ва комплекс тарзда қурилган. Бухородаги Пои Минор, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Қўш мадраса ансамбллари, Самарқанддаги Регистон ансамбли, Шайбонийхон ва Меҳр Султон-хоним мадрасалари (бугунги кунгача сақланмаган) шулар жумласидандир.

XVI аср иккинчи ярмида ҳолат ўзгарди: Абдуллахон қурдирган биноларнинг миқёси катта бўлсада, аммо бир томондан мамлакатдаги умумий иқтисодий инқироз, иккинчи томондан узлуксиз ҳарбий юришлар меъморчиликни амалга оширишга кетадиган воситаларни кескин қисқартиришга олиб келди. Натижада қурувчилар олдида иқтисодий жиҳатдан тежамли конструкциялар, безак материаллари ва қурилиш техникаси усуллари излаш зарурияти туғилади. XVI – XIX асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ўзига хос жамоат бинолари, меъморчилик мактаблари юзага келди. Бу вақтда маҳалла ансамбллари ривож топганлигини кузатамиз.

Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi натижасида, XIX асрда бу ўлкада янги турдаги, маҳаллий меъморчилик намуналаридан

мутлақо фарқ қилувчи жамоат бинолари шаклланди ва ривожланди (масалан: театр, почта, банк, черков, ҳарбий маҳкама бинолари, вокзал, гимназия, меҳмонхона ва бошқалар).

Октябрь инқилобидан сўнг (XX аср) шўролар даври меъморчилиги эмоционал бўрттирилиб, ўша даврнинг ғоя ва сифатларини намоён этди. Янги сиёсат мафкурасини ёрқин, рамзий ва тушунарли меъморий шакллар билан кўрсатиш анъанага кирган эди. Бу давр романтик символизм даври бўлиб, меъморчиликда гигант ва ёрқин шакллар орқали революцион ҳаракатнинг сўнмас мафкурасини кўрсатиш тусга кирган эди. Янги мафкуранинг жорий этилиши натижасида меъморчиликда янги турдаги жамоат бинолари: ишчилар саройлари, клублар, театрлар, шифохоналар, болалар боғчалари ва бошқалар келиб чиқди.

Собиқ шўролар даврида жамоат бинолари уч босқичли - даҳа (микрорайон) маркази, туман ва шаҳарлар марказлари тарзида қурилди. «Эски шаҳарлар» ва «Янги шаҳарлар» меъморчилиги қўшилган ҳолда, функционал шаҳарсозлик тамойиллари асосида олиб борилди. «Эски шаҳарлар» ҳудудида бадий жихатдан ғўр объектларнинг қурилиши маҳаллий меъморчилик анъаналарига катта путур етказди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа тарихий шаҳарлар ҳудудида типовой лойиҳалар асосида қурилган кўримсиз иморатлар тарихий шаҳарлар структурасининг бузилишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий меъморчилик анъаналари қайта тикланди. Жамоат биноларини миллий меъморчиликнинг замонавий технология ва талаблар асосида, рақобатбардош қилиб қуриш юзага келди (Олий Мажлис, Оқсарой, «Ўзбекистон» Халқаро форумлар саройи, Темурийлар тарихи музейи, Маърифат маркази ва Миллий кутубхона, Сенат биноси ва б.). Шаҳарсозликда жамоат биноларини ландшафт архитектураси ва монументал санъат билан уйғунлаштириб ривожлантириш усули юзага келганлигини эътироф этиш мумкин.

Диссертациянинг «**Меъморий мажмуалар тузиш амалиётининг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида Ўрта асрлар меъморчилигида ансамбль ва комплекслар тузиш қонуниятлари, XIX аср охири ва XX асрнинг 90-йилларигача Ўзбекистон меъморчилигида ансамбль ва комплекслар тузиш усуллариининг таҳлили, чет эллар меъморчилигида бинолар гуруҳини бадий уйғунлаштириш амалиёти тадқиқ қилинган.

Ансамбль ибораси французча «ensemble» сўзидан келиб чиққан бўлиб яхлит, бирга, бирданига деган маъноларни англатади. Меъморий ансамбль деб шаҳар, аҳоли яшаш пунктлари ва тўхташ жойларида бадий уйғунликка эга бўлган бино ва иншоотлар мажмуаси ҳамда табиат элементларидан иборат яхлит меъморий тузилмаларга айтилади.

Меъморий ансамбль деганда, биноларнинг уйғунлашган гуруҳи тушунилади. Баъзан уларнинг турли даврда қурилганлиги, турлича услубни ташкил этиши ҳам аҳамият касб этмасдан, улар ягона композицион боғланишга ва бадий умумлашувга эга бўлади.

Ансамбль тузилмаларининг шаклланиш шартларидан яна бири шундан иборатки, икки ёки бир неча иншоот учун маълум кўча, майдон, ҳовли ва ландшафт ёки уларнинг бирор қисми умумий композиция ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ансамблни ташкил этувчи иншоотлар авваламбор ўша асосга мослаштирилади. Бунда мана шу иморатларнинг кириш қисмлари, композиция ўқлари, массаси, шакли, туси ва бошқа бадиий жиҳатлари шу асосда ўзаро мувофиқлаштирилади. Ансамбль бадиий тугалланганлигининг нақадар юксак даражага эришилганлиги мана шу мувофиқлаштиришнинг уйғунлашув даражасига боғлиқ бўлади.

Демак, меъморий ансамбль бадиий жиҳатдан яхлит бир композиция тусида шаклланган бино ёки иморатлар гуруҳини тушунишни тақозо этади. Шундай қилиб, меъморий ансамбль бу уйғунлашган ҳажмий-фазовий тизим, меъморий муҳит (шаҳар, қишлоқ ва тўхташ жойлари)нинг асосий шакллантирувчи қисми бўлиб, у ягона ғоявий-композицион бирлашмага эга уйғунлашган бутунликдир.

Ўрта асрлар шаҳарлари меъморчилигининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, диний ва маъмурий жамоат бинолари шаҳар марказида ансамбль ва комплекс тарзда жойлаштирилар эди. М.Қ. Ахмедов ўрта асрлар анъанавий меъморчилигида биноларни ансамбль тарзда шакллантиришнинг «жуфт», «қўш», «майдон», ҳовлили ва эркин усуллари аниқлаган.

Ўрта асрларда монументал биноларнинг бир-бири билан параллел ўқда жойлаштириш амалиёти кенг кўламда ривожланган. Уларнинг илк намуналари сифатида Кўхна Панжакентдаги ибодатхоналар, Термиз яқинидаги Султон-Саодат ва Ўзган мақбаралар гуруҳини, Шоҳи Зинда некрополидаги ансамблларни келтириш мумкин. Бундай композиция асосида нафақат мақбаралар балки бошқа иншоотлар (масалан миноралар, айвонлар) ҳам лойиҳаланган. Масалан, Бухородаги Чор-Бақр ансамбли ва Анов (Туркманистон) масжидлари айвон-пештоқларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, иккита ва ундан кўп бино ва иншоотларни бир-бири билан параллель ўқда жойлаштириш усули ансамбль ташкил қилишнинг «жуфт» усули бўлиб, қадимда бундан Ўрта Осиё меъморлари янги қуриладиган биноларни мавжуд бинолар билан уйғунлаштиришда кенг фойдаланганлар.

Султон Саодат некрополидаги биноларни параллел ўқ асосида бир қаторга жойлаштириш бир неча хил кўринишга эга. Некрополнинг композицион асосини жуфт жойлашган бир нечта айвонли мақбаралар, зиёратхона, чиллахона, дарвозахона ва хонақоҳ ташкил этади. Мақбаралар орасидаги бинолар аванзал вазифасини бажарган ва улардан мақбараларга кирилган. Кейинчалик бу композицион усулнинг ривожланиши «қўш» усулидаги ансамблнинг шаклланишига туртки бўлган. Комплексни бадиий тугаллашда ҳам «қўш» усули ишлатилди. Бизнингча, Султон Саодатдаги бу икки композиция «қўш» усулининг эркин кўринишлари ҳисобланади. Аммо ушбу «қўш» усули фақат Султон Саодат комплексида ташкил топган ва

ривожланган дегани эмас. Бу усул бутун Ўрта Осиё меъморларининг ижод маҳсули эди.

«Қўш» усулининг ривожланиши натижасида махсус майдоннинг учинчи томонидан бино ростлаб, «майдон» усулидаги ансамбль тузиш санъати келиб чиққан. Бинобарин, Самарқанддаги Муҳаммад Султон мадрасаси ва унинг рўпарасида жойлашган хонақоҳ дастлаб қўш усулида ташкил этилган бўлса, 1404 йилда Амир Темур шу майдоннинг жанубий томонидан суюкли набираси Муҳаммад Султон вафоти муносабати билан мақбара қуришни буюради. Кейинчалик, Амир Темурнинг вафоти туфайли бу мақбара битказилмай қолади. Мирзо Улуғбек даврида бу мақбарага кириш йўлаги ва пештоқ қурилиб ёпиқ ҳовли ташкил этилади. Натижада уч томонидан иморат солинган ёпиқ «майдон» туридаги ансамбль пайдо бўлади. Самарқанддаги Регистон ва Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамбллари ҳам очик «майдон» усулида ташкил этилган.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги меъморчилигида ансамбль санъати тараққиётининг кейинги босқичи XVI-XVII асрларга тўғри келади. Бу даврда Бухоронинг ансамблсозлик санъатида биринчи марта савдо иншоотларининг (Абдуллахон тими ва карвонсарой), мадраса билан мадраса (Абдуллахон ва Модарихон мадрасалари), масжид билан масжид (Жўйбори Калон ва Волидаи Абдулазиз масжидлари Ҳовузи Нав ансамблини ҳосил қилган) «қўш» усулда қурилиши учрайди. Бу усул кейинчалик Бухорода (Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари), Самарқандда (Улуғбек ва Шердор мадрасалари), Хивада (Оллоқулихон ва Қутли Мурод иноқ мадрасалари) қўлланилган. Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон ва Тоқи Заргарон савдо гумбазлари айланиб ўтувчи ўқли композиция ансамблни ҳосил қилиб, ҳозирги вақтга қадар шаҳар тарихий қисмининг анфиладали-фазовий структурасини ҳосил қилади. Шундай қилиб, бу даврга келиб, ўрта асрлар ансамблсозлигининг маълум тамойиллари тўлиқ шаклланган.

Маҳаллий табиий шароитдан келиб чиқиб, чет мамлакатларда меъморий ансамблларнинг турли хил композицион ечимлари шаклланган. Ғарб мамлакатларида ансамблларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини қадимий Греция шаҳарсозлиги билан боғлиқ. Қадимий Акрополда Пропилейларни ташкиллаштириш Греция тарихидаги биринчи фазовий ансамблларни шакллантиришга уринишлари ҳисобланади. У Акрополнинг қадимий ва янги ибодатхоналарини визуал бирлаштириб, тепаликка кириш майдончасини бегаган. Эллинизм даврининг ансамблларининг яна бири - бу Родос оролидаги Линдос эҳромлари гуруҳи ҳисобланади. Линдос ансамбли архаик негиздан бошланиб, римликлар даврида тўлиқ шаклланди ва қарийб минг йил давомида қурилди. Кейинчалик ансамблсозлик санъати Рим империясининг шаҳарсозлигида ривожланганлигини кузатамиз. Рим шаҳрининг рельефда жойлашганлиги, бинолар гумбазлари шаҳар қиёфасини чиройли тарзда шакллантирган. Унинг беқиёс майдонлари шаҳар тизимида бир-бири билан боғланган занжирни ташкил этади. Улардан асосийлари майдон усулида шаклланган Капитолий ансамбли ҳисобланади. Ансамблсозликнинг кейинги ривожи Европанинг “уйғониш даври”га тўғри

келади. Бу айниқса Франция меъморчилиги ва шаҳарсозлигида яққол кузатилади.

Классик ансамблларга мисол тариқасида Санкт-Петербург шаҳридаги ансамблларни кўриш мумкин. Петропавловск қалъасининг архитектура ансамбллари гўё юлдузлар туркуми каби Неванинг ирмоқлари оқими бўйлаб юқори ва пастга қараб ривожланган. Нева Санкт-Петербургнинг ансамбллари тизимида асосий ўзак вазифасини бажаради. Турли образдаги юлдузлар туркумидек меъморий ансамбллар дарё ирмоқлари бўйлаб гўзал манзаралар ҳосил қиладиган Москва, Минск, Харьков ва бошқа шаҳарларда ҳам шаклланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва комплексларни ривожлантириш жараёнлари**» деб номланган учинчи бобда истиқлол йиллари шаҳарсозлиги, мустақиллик меъморчилигининг эстетикаси, истиқлол даври меъморий мажмуалари шаклланишининг асосий тамойиллари баён этилган.

XX асрнинг охирларигача ансамбль ва комплексларни шакллантиришда кўпроқ функционал ва моддий эҳтиёжлар муаммоларига эътибор қаратилиб, табиий шарт-шароитлар ва бинолар бадий уйғунлашувига иккинчи даражали масала сифатида қаралар эди. Бутуниттифоқ лойиҳа ишлари ва қурилишнинг типлаштирилиши натижасида шаҳарлар жамоат марказларида ва айниқса тураржой туманларида ўхшаш ва монотонли қурилишлар юзага келди. Биноларни лойиҳалашда республикаларнинг табиий шарт-шароити ва халқларнинг асрий анъаналари ҳисобга олинмас эди.

Собиқ шўролар даври шаҳарсозлигида ўрта асрларда шаклланган меъморий ансамблларнинг муҳити бузилиб бормоқда. Эски шаҳар тизимида «донабай» кўп қаватли биноларнинг қурилиши меъморий ансамбллар тизимига путур етказди. Жумладан, Регистон ва Гўри Амир ансамбллари ўртасида ўрта қаватли тураржойларнинг қурилиши доминантлар ролини сусайтирмоқда ва улар ансамбллар меъморчилигига тамомила бегона ҳисобланади. Умуман олиб қараганда, Амир Темур мақбараси, Регистон, Биби-Хоним ва Шоҳи-Зинда ансамбллари ягона композицион ўқ асосида анфилада тарзида бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклашга катта эътибор берилди. Жумладан, меъморчиликда асрлар давомида шаклланган ва сайқалланган миллий меъморий анъаналарни қайта тиклаш архитекторлар олдидаги асосий масалалардан бири бўлди. Мустақиллик йилларида бу масалаларни ечишда юксак ютуқларга эришилди. Пойтахт Тошкентда, вилоятлар марказларида ва бошқа шаҳарларда миллий тамойиллар асосида ташкил этилган маъмурий марказлар, жамоат марказлари, савдо марказлари, спорт комплекслари, бозорлар ва бошқа ансамбль ва комплекслар шаҳарлар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Мустақиллик майдони йилдан-йилга ўзгариб, миллий анъаналар асосида қайта қурилиб, кўркамлашиб бормоқда. Ушбу майдонда бир-бири

билан боғланган бир-нечта ансамбллар шаклланди. Вазирлар маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, янги Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси бинолари қурилди. Сенат биносининг қурилиши натижасида, икки ёндаги маъмурий бинолар (Вазирлар маҳкамаси ва Вазирликлар биноси) орасидаги майдон учинчи томондан яқунланиб ансамбль бадиий тугалликга олиб келинди. Бу бинолар ансамбли ўрта асрларда шаклланган «майдон» турига ўхшаш композицияга эга бўлди.

2005 йилнинг август ойида мамлакатимизнинг бош майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилди. Арка пойтахтимиз Бош майдони замонавий меъморий қиёфасига янгича манзара бахш этди. Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳамда Эзгулик аркаси ягона ўқда жойлашган ўзгача ансамблни ташкил қилади.

Пойтахтнинг бутун мамлакат учун аҳамиятли бўлган ва тубдан қайтадан бунёд этилган шундай ҳудудларидан бири Амир Темур хиёбонидир. Бутун диққат хиёбон ўртасида тулпорда ўтирган Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалига қаратилган. Майдон атрофида Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон меҳмонхонаси, «Ўзбекистон» Халқаро анжуманлар саройи, Юридик университети бинолари ва курантлар яхлит мажмуани ташкил қилган.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг маркази миллий анъаналаримиз асосида тўлиқ реконструкция қилинди. Бу бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳарда бир-бири билан боғланган бир нечта ансамбль ва комплекслар, майдонлар, боғлар ва жамоа марказлари барпо этилди.

1991-1994 йиллар давомида Миллий боғнинг ташкил этилиши билан Тошкентнинг марказий майдонларидан бири реконструкция қилинди. Боғнинг асосини марказида амфитеатр жойлашган кесишган ўқли композиция ташкил этади. Ансамбль асосий ўқининг тўрида Алишер Навоий ҳайкали, ўртасида амфитеатр ва бошида «Истиқлол» санъат саройи жойлашган. Перпендикуляр ўқда эса Олий Мажлис биноси ва «Наврўз» кўпфункционали комплекс биноси жойлашган. Мустақиллик йилларида барпо этилган Олий Мажлис биноси миллий меъморчилигимизнинг замонавий талқиндаги кўриниши ҳисобланади. Айнан мустақиллик йилларида бу майдонда байрамлар ўтказиладиган амфитеатр, Алишер Навоий ҳайкали ва Олий мажлис биносининг қурилиши билан бу майдон яхлит тугалланган ансамбль кўринишига келди. Ансамблнинг асосий иншооти ҳисобланган амфитеатр ансамбль биноларини бир майдонда бирлаштириб, композициянинг йирик бўғини, яъни ядроси ҳисобланади.

Ҳозирги даврдаги техник ва технологик ривожланиш натижасида баъзан шаҳарлар табиий муҳити зарар кўрмоқда. Шу туфайли шаҳарлар ичида тоза экологик муҳитни сақлашнинг янги чора-тадбирларини белгилаш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун шаҳарларда боғларни кўпайтириш ҳамда яшил коридорлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу тамойиллар пойтахтимиз ва вилоятларимиз марказларида анча ривожланган. Пойтахтимиздаги Миллий боғ, Бобур боғи, Шаҳидлар хотираси мажмуаси ва бошқа боғлар, Андижондаги Алишер Навоий боғи, Пушкин боғи, Нодирабегим

боғи, Афғон боғи, Чўлпон боғлари, Урганчдаги Шовот канали соҳили шаҳарларнинг бир-бири билан боғланган боғлар ансамблини ташкил этади.

Республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорликка катта эътибор берилиши натижасида пойтахтимизда янги услубдаги бинолар комплекси вужудга келди. Масалан: Континентал меҳмонхонаси, Бизнес марказ ва Миллий банк бинолари комплекси. Бу бинолар комплекси замонавий меъморчилик анъаналари асосида қурилган бўлиб, маълум шакллар ва элементлар биноларга миллий руҳ бағишлайди. Бинолар комплекси замонавий эркин вертикал композицияга эга бўлиб, Амир Темур шоҳ кўчасининг доминанти ҳисобланади ҳамда шаҳар қиёфасини шакллантиришда алоҳида ўринга эга.

Шаҳарсозликнинг улкан тезлик билан ривожланиши натижасида, одамларнинг турмуши ва дам олиши учун сунъий муҳит яратиш масалалари юзага келади. Бу масалалардан одамларнинг эҳтиёжини қондирадиган ва бадий жиҳатдан уйғунлашган муҳитлар яратиш муаммоси келиб чиқади. Мазкур диссертацион тадқиқот илмий хулосаси шу муаммони комплекс ечиш мезонларини такомиллаштиришга қаратилган.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон ҳудудида меъморий ансамбль ва комплекслар узок даврлардан бошлаб, асосан шаҳар бош майдонлари – Регистонларда, бош чорраҳалар – Чорсулар атрофида ва маҳалла марказларида, чорраҳалар, бозорлар атрофидаги ҳамда шаҳар дарвозалари олдидаги майдонларда, зиёратгоҳ ва оромгоҳлар қошида мужассамлашганлиги аниқланди. Диний дунёқараш, маъмурий-бошқарув тизими, маданият ва савдо-сотик сингари ижтимоий-иқтисодий омиллар ансамбль ва комплексларнинг «жуфт», «кўш», «майдон», ҳовлили ва эркин турларининг пайдо бўлишига, уларнинг композицион трансформациялашувига олиб келган;

2. XIX аср охирларига келиб, Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта қуришда европача «уч нурли» усулнинг қўлланилиши анъанавий шаҳар структурасининг ривожланмай қолишига ҳамда улардаги меъморий ансамбллар эстетик муҳитининг бузилишига сабаб бўлганлиги аниқланди;

3. XX асрда тарихий шаҳарларни реконструкция қилишда асосан индустриал шаҳарларга хос бўлган функционал шаҳарсозлик усулларидан фойдаланилди ва асос сифатида шаҳарларнинг «европача» қисмлари қабул қилиниб, шаҳарларнинг тарихий қисмлари замонавий ривожланиш ва инфраструктурадан ажратиб қўйилди;

4. Мустақиллик йилларида жамоат бинолари меъморчилигининг миллий анъаналар ҳамда замонавий технология ва талаблар асосида қурилиши «Хотира», «Наврўз», «Мустақиллик», «Соҳил бўйи» каби янги турдаги ансамбль ва комплексларнинг вужудга келишини таъминлаган.

5. Тошкент шаҳрида яратилган жаҳон замонавий шаҳарсозлигига хос бўлган «яшил коридор» деб номланувчи инновацион, шаҳар муҳитини кўркамлаштирадиган экологик коридор замонавий шаҳарсозликнинг таркибий қисми сифатида қўлланилиши таклиф қилинади;

6. Готика, барокко услубига мансуб найзасимон (конуссимон) томли, минорачасимон шакли европача классик услубдаги иморатсозликдан воз кечиб, уларнинг ўрнига регионал меъморчилик ва шаҳарсозлик талаблари асосида курдонерлар, фавворали майдончалар, кўчаларнинг бўйлама ўқларига перпендикуляр кўндаланг ўқли майдончалар ва бошқа анъанавий бадий воситаларни қўллаш тавсия этилади;

7. Шаҳар марказларини тирбандликлардан холи этиш ва экологик муҳитини яхшилаш мақсадида, якка марказли шаҳарсозликдан воз кечиб, полицентрик, яъни кўп марказли шаҳар структурасига яшил коридор ва оазисларни қўллаб ривожлантириш тавсия этилади;

8. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлиги амалиётида ижтимоий, иқтисодий, экологик узвийликка эришиш мақсадида жаҳон шаҳарсозлигида оммалашган барқарор шаҳарсозлик индикаторларидан фойдаланиш тавсия этилади;

9. Хотира майдонларини шакллантиришда Ўзбекистон истиқлол даври меъморчилиги услубида юзага келган ягона композицион ўқ асосидаги композицияни қўллаш тавсия этилади;

10. Кўчалар меъморчилигида мазкур диссертация тадқиқотларининг экспериментал лойиҳалаш жараёнида синовдан ўтказилган, дам олишга, шамоллатишга ва автомобил тўхташ жойлари ташкил қилишга мўлжалланган курдонерлар ташкил этиш шаҳар бадийлигини оширади;

11. Ҳар бир марказий кўча, майдон, боғ, чорбоғларда ўзига хос ансамбль ташкил этадиган фаввора ва сув ҳавзалари жойлаштириш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.A.11.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

МАНОВЕВ САИД БАХРОНОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ АНСАМБЛЕЙ И КОМПЛЕКСОВ
В АРХИТЕКТУРЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЙ УЗБЕКИСТАНА**

**18.00.02 -Районная планировка. Градостроительство. Планировка сельских
населенных пунктов. Ландшафтная архитектура. Архитектура зданий и сооружений.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО АРХИТЕКТУРЕ**

Ташкент-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по архитектуре зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/A1

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу <http://www.taqi.uz/ikengash.php> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный консультант:

Ахмедов Мухаммад Косимович
доктор архитектуры, профессор

Официальные оппоненты:

Ҳидоят Тимур Аббарович
доктор архитектуры, профессор

Умаров Азиз Мирфозилевич
кандидат архитектуры

Ведущая организация:

«Узшахарсозлик ЛИТИ» ГУП

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.A.11.02 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, город Ташкент, улица Навои, дом 13. Главный учебный корпус, Малый зал заседаний. Тел.: (99871) 241-10-84, факс: (99871) 241-13-90. Web: www.tasi.uzsci.net, e-mail: taqi_atm@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100011, город Ташкент, улица Навои, дом 13. Тел.: +99871 241-10-84

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2017 года.).

А. С. Уралов,

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор архитектуры, профессор

Т. Ш. Маматмусаев,

Ученый секретарь овета по присуждению ученых степеней, кандидат архитектуры

Т.А. Хидоятов,

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор архитектуры, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в развитых странах мира активно развивается экономически эффективное направление социального характера, основанное на приоритете экологии и получившее название устойчивое градостроительство. Цель направления – стабилизация рационального градостроительства и разумной (smart) архитектуры. В мировом градостроительстве наблюдается много примеров исследований традиций и строительства зданий в форме ансамблей и комплексов, основанных на этих идеях в неразрывной связи с традициями.

В годы независимости в нашей республике проведена масштабная работа по определению и развитию эффективных направлений градостроительства. Проведена реконструкция и восстановление целого ряда ансамблей в центрах Самарканда, Бухары, Хивы, Шахрисабза и других исторических городов. На основе традиций в последние годы возведены архитектурные ансамбли и комплексы на площади Мустакиллик, улице Навои, сквере Амира Темура города Ташкент, вдоль канала Шовот в Ургенче, центрах Андижана, Намангана, Ферганы, Термеза и других городов. В областных центрах по двум сторонам центральных проспектов (как правило, проложенных от аэропорта до железнодорожного вокзала) возведены новые целостные ансамбли и комплексы. Сегодня уделяется большое внимание сбалансированному развитию архитектурно-строительной отрасли и стандартов, а также развитию капитального строительства, к организации работы проектных институтов. На основе принятой в нашей стране Стратегии действий последовательно проводятся мероприятия по совершенствованию архитектуры и градостроительства, архитектурного образования и науки, инновационному развитию строительной индустрии, архитектуры и строительного комплекса, решению проблем сохранения и разумного использования архитектурных памятников. Как отметил Президент Республики Узбекистан: «Этот курс динамичного и стабильного развития, безусловно будет продолжен и дальше»¹.

В проводимых, в мировой практике научных исследованиях развитие эффективных методов создания ансамблей и комплексов, с учетом современных требований, рассматривается с позиций повышения визуального воздействия ансамблей и комплексов, обеспечения композиционного и художественно-эстетической гармонии, достижения их функциональной взаимосвязи и экономической эффективности, совершенствования формирования ансамблей и комплексов с учетом не только материальных но и духовных потребностей населения.

Данное исследование в определенной степени способствует реализации задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-2595 «О мерах по дальнейшему совершенствованию архитектуры и градострои-

¹ Мирзиёев Ш.М. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Народное слово, 16 январь, 2017 г. –С. 1.

тельства в Республике Узбекистан» от 26 апреля 2000 года, № УП-5030 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству» от 1 мая 2017 года и в других, касающихся сферы нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

